

## «ERK-NUR AUDIT» МЧЖ АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Манзил: Жиззах вилояти, Жиззах шаҳар Олмазор мах. Ф.Қобилов кўчаси 38-уй,  
х/р: 2020 8000 0055 0521 4001 ТИФ «Миллий банк» Жиззах бўлими МФО: 00121 ИНН: 309 380 029 тел: +998915915231  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари маркази томонидан 16.03.2022 йилда № 1112246 -сон билан  
рўйхатдан ўтказилган.

### «JIZZAX PLASTMASSA» АЖ

Манзили: Жиззах вилояти Жиззах шаҳри Тошкент  
кўчаси рақамсиз уй. Почта индекс: 130100,  
ИНН: 200344745, ОКЭД: 22210  
АТБ «Агробанк», Жиззах вилоят филиали  
х/р: 20208000600304463001 МФО: 00126

### Ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

#### Фикр

Биз «JIZZAX PLASTMASSA» АЖнинг 2023 йил 1 январдан 2023 йил 31 декабригача бўлган молиявий ишлаб чиқариш фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботларга асосланиб, аудиторлик таҳлилини ўтказдик.

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг «Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги» бўлимида тасдиқланган.

Биз «JIZZAX PLASTMASSA» АЖ мустақил равишда бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) «Профессионал бухгалтерлар учун ахлоқ» Кодекси талабларига ва ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексида белгиланган бошқа мажбуриятларга таянган ҳолда аудиторлик таҳлилни амалга оширдик.

Хулоса қилган аудиторлик таҳлил ва далилларимиз, якуний фикримизни ифода қилинганини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Аудиторлик таҳлил якуни билан аниқланган, жамиятнинг 27.02.2024 йилда ва 19.03.2024 йилда тақдим этилган молиявий ҳисоботлари, амалдаги БҲМС ва конун ҳужжатлар (яъни кенг доирадаги фойдаланувчиларнинг умумий маълумотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун молиявий ҳисоботларни тайёрлаш концепцияси, шу жумладан конун ва тартиблар) нинг талабларига мувофиқ тайёрланган.

#### Муҳимлилик

Аудиторлик таҳлилни амалга оширишда, молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат бўлди.

Ушбу стандартлар, корхонани молиявий ишлаб чиқариш фаолиятидаги ҳисоботларни жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишликни таъминловчи ҳамда аниқ аудиторлик таҳлилни режалаштириш талаби билан ўтказишни тақозо этишига асосланди.

Аудиторлик текшируви, аудиторлик далилларини аниқ режали олишга йўналтирилиб, аудиторлик амалларини тўғри ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.



## Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъектнинг, бирламчи ва иккиламчи имзолари билан бириктирилган жавобгар шахслари, молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва уни тўғри тақдим этиш учун, БҲМС га мувофиқлигини жиддий бузиб кўрсатилишида ҳамда уларни молиявий ҳисоботларини тайёрлаганликлари учун ва раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизимидаги қонунларни аниқлиги учун жавобгардирлар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият таҳририят фаолиятининг узлуксизлигини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги тахминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятини тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун тўлиқ жавобгардир.

## Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботларда фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилишлик ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида акс эттириш.

“Аудиторлик халқаро стандартлар”га асосланиб ўтказилган аудиторлик таҳлил, ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолатли эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларни иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлсагина, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал этикани қўллаيمиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик rischi хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик riskидан юқори, чунки сохталаштириш, қастдан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;
- жамиятнинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади;
- қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, жамиятнинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса қиламиз.
- Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган ҳулосага келсак, аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит ҳулосамиз олинган аудиторлик далиллари асосланади. Келгусида сохталаштириб киритилган амаллар ва ҳодисалар корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкинлигини инкор этимаймиз.



### Аудиторлик таҳлилга хулоса бериш учун асослар

Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз, ушбу хулосанинг «Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги<sup>1</sup>» бўлимида батафсил ёритилган. Аудиторлар томонидан жамиятнинг мустақил равишда ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисоботларига тегишли бўлган, Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунига мувофиқ ҳамда бошқа мажбуриятларга асосланди.

«JIZZAX PLASTMASSA» АЖнинг 2023 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида “Бухгалтерия баланс” ҳисоботи, “Молиявий натижалар тўғрисида” ҳисоботи, шунингдек, бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботларини жамланмасига асосланиб, аудиторлик таҳлил ўтказилди.

Барча тақдим этилган далиллар асосида, аудиторлик хулосамизни ифода этиш ва тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «JIZZAX PLASTMASSA» АЖнинг 2023 йил 31 декабрь ҳолати учун 1-шакл «Бухгалтерия баланс» ва 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи» дан иборат бўлган молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ҳаққоний акс эттирилган.

МЧЖ «ERK-NUR AUDIT»  
auditorlik tashkiloti директори

Ўз.Р.МВ нинг №05693-ракамли аудиторлик  
Малака сертификати 27.08.2021 йилда берилган.



Э.Эргашев

МЧЖ «ERK-NUR AUDIT»  
auditorlik tashkiloti аудитори

Ўз.Р.МВ нинг №05873-ракамли аудиторлик  
Малака сертификати 27.02.2022 йилда берилган.

Б.Лутфуллаев

17.05.2024 йил